

## НАВОСИЗ УЛУСНИНГ НАВОБАХШИ БЎЛ



Ўзбекистон Миллий кутубхона-сиди Алишер Навоийнинг 575 йиллигига бағишланган навбатдаги “Навосиз улуснинг навобахши бўл” деб номланган адабий-муסיқий кеча

бўлиб ўтди. Унда навоийшунос олимлар, шоирлар, талаба-ёшлар, ўқувчилар ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққан шоир

Шукур Қурбон, филология фанлари номзоди Зухриддин Исомиддинов, Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева, Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият ходими Маъфура Муҳамедова ва бошқалар Алишер Навоий бадиий-маънавий мероси, айниқса Навоий ижодидаги яхшилик, адолат, гурур ва садоқатнинг комил инсон тарбиясидаги урни, унинг асарлари нафақат ўқиш, балки ҳар бир сўзнинг маъноси ва моҳиятини ўқишнинг, тарғибот ишларида илмийлик ва методикага эътибор қаратишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритдилар. Буюк мутафаккирнинг ободончилик, зироатчилик ва зиё тарқатувчилик борасида амалга

оширган ишлари эл-юрт фаровонлиги йулида адолатли ҳукм чиқаришга ундаган, эзгуликка чорлаган, юксак маънавий, руҳий асарларининг тарбиявий аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон халқ артисти М. Йўлчиева, шунингдек, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ўқитувчилари ва талабалари дастаси жўрлигида Ўзбекистон халқ ҳофиси Э. Рузматов Навоий ғазалларига басталанган мақомларни ижро этдилар. Тадбирда билдирилган фикрлар, куй ва қушиқлар тадбир иштирокчиларига кўтаринки руҳ бағишлади.

Саҳифани Ҳасан Абдуназаров  
тайёрлади